

УДК: 330.101.54.(575.1)

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИДА ЁШЛАР УЧУН ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЯҚИН ИСТИҚБОЛЛАРИ

Холмўминов Шайзоқ Раҳматович,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Хомитов Комилжон Зоитович,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Тошкент молия институти

Аннотация. Ушбу мақолада замонавий ва юқори адекватликка эга эконометрик моделлар ҳамда уларга тегишли амалий дастурлар пакетларини қўллаш асосида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳаларида қишлоқ ёшлари учун янги иш ўринлари яратилиши ва уларда иш билан банд бўлишнинг қисқа муддатли истиқболлари аниқланган. Унинг асосида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳаларида яқин келажакда қишлоқ ёшларини иш билан таъминлашнинг замонавий турлари ва воситаларини ривожлантириши, янги иш ўринларини яратишнинг муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамияти очиб берилган.

Таянч тушунчалар: қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, қишлоқ ёшлари, иш билан таъминлаш, ишсизлик, иш билан бандлик, эконометрик модель, прогноз, меҳнат ресурслари, меҳнат бозори, қишлоқ хўжалиги кластерлари.

ПЕРСПЕКТИВЫ СОЗДАНИЯ НОВЫХ РАБОЧИХ МЕСТ ДЛЯ МОЛОДЕЖИ В СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОМ ПРОИЗВОДСТВЕ

Холмуминов Шайзоқ Раҳматович,
доктор экономических наук, профессор

Ташкентский государственный экономический университет

Хомитов Комилжон Зоитович,
доктор экономических наук, профессор

Ташкентский финансовый институт

Аннотация. В данной статье определены краткосрочные перспективы создания новых рабочих мест для сельской молодежи и их трудоустройства в аграрном секторе Республики Узбекистан с использованием современных и адекватных эконометрических моделей и пакетов их приложений. Также выявлено социально-экономическое значение развития современных видов и средств занятости сельской молодежи, создания в ближайшее время новых рабочих мест в сфере сельскохозяйственного производства.

Ключевые слова: сельскохозяйственное производство, сельская молодежь, обеспечение занятости, безработица, занятость, эконометрическая модель, прогноз, трудовые ресурсы, рынок труда, сельскохозяйственные кластеры.

PROSPECTS FOR CREATING NEW WORKPLACES FOR YOUTH IN AGRICULTURAL PRODUCTION

Kholmuminov Shayzok Rakhmatovich,
Doctor of Economics, Professor

Tashkent State University of Economics

Khomitov Komilzhon Zoitovich
Doctor of Economics, Professor

Tashkent Institute of Finance

Annotation. *The article defines the short-term prospects for creating new jobs for rural youth and their employment in the agricultural sector of the Republic of Uzbekistan through modern and adequate econometric models and their application packages. The socio-economic importance of the development of modern types and means of the employment of rural youth, the creation of new jobs in the field of agricultural production in the near future have been analysed.*

Key words: *agricultural production, rural youth, employment, unemployment, econometric model, forecast, labor resources, labor market, agricultural clusters.*

Кириш

Мавзунинг долзарблиги

Ёшлар ўртасида ишсизлик кўрсаткичларининг юқори даражада сақланиб қолаётганлиги кўпчилик мамлакатларда ижтимоий-иқтисодий беқарорликни келтириб чиқарувчи омилга айланмоқда. Халқаро ташкилотлар маълумотларига кўра, дунёда ишсизлар сони 2018 йилда 203,8 млн, 2019 йил эса 206,6 млн кишини ташкил этди. Шундан тахминан 30 фоизи, яъни 62,0 млн га яқинини ёшлар ташкил этади [1].

Мамлакатимизни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида аҳоли ўсишининг демографик прогнози ҳисобланган. Унга кўра, 2030 йилга бориб аҳоли сони 39,5 млн ни ташкил қилади. Меҳнатга лаёқатли аҳоли сони 23,5 млн дан ошади. Шу жумладан, ёшлар сони 7,8 млн нафарга кўпаяди. Бу кўрсаткич, асосан, қишлоқ ёшлари ҳисобидан ортади.

Бугунги кунда республика қишлоқ ҳудудларида аҳолининг, айниқса, ёшларнинг (16-30 ёшдагилар) иш билан бандлигини таъминлашда амалий ечимини кутаётган қатор муаммолар мавжуд.

Қишлоқ аҳолиси меҳнат ресурслари таркибида ёшлар улушининг юқори эканлиги, қишлоқ ёшларининг иқтисодий фаоллик ва иш билан бандлик даражасининг пастлиги, қишлоқ хўжалигида ташкил этилган иш жойларининг

асосий қисми қисқа муддатли ва мавсумий характерга эгаллиги, иш билан банд бўлган ёш аҳолининг салмоқли қисми иш ҳақи паст бўлган соҳаларда, норасмий секторда ва барқарор бўлмаган иш жойларида банд этилганлиги, хориждан инвестицияларни жалб этиш бўйича фаол ҳаракатнинг сустлиги, қайта ишлаш, ижтимоий инфратузилма ва касаначилик соҳасида иш жойларини кўпайтириш имкониятларининг тўлиқ ишга солинмаётганлиги, меҳнат бозоридаги фаол сиёсатни молиялаштириш ва хусусий бандлик агентликлари фаолиятининг суст ривожланаётганлиги ҳамда ташқи ва ички меҳнат миграциялари яхши ташкил этилмаганлиги ва бунинг натижасида қишлоқ ёшларининг яқин қўшни давлатлар, асосан, Россия ва Қозоғистон давлатларига мустақил иш излаб чиқиб кетишларининг ҳамон кўпаяётганлигида кузатилади. Бу эса меҳнатга лаёқатли аҳолининг, айниқса, ёшларнинг иш билан таъминланиш даражаси ҳолатида ўз аксини топади.

Тадқиқотнинг мақсади туб иқтисодий ислохотларни амалга ошириш негизида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳаларида қишлоқ ёшлари учун янги иш ўринлари яратилиши ва уларда иш билан банд бўлишнинг қисқа муддатли истиқболларини аниқлаш бўйича илмий асосланган хулоса ва тавсияномалар ишлаб чиқишдан иборат.

Илмий-тадқиқотнинг методологик асослари ва усуллари

Илмий-амалий тадқиқотнинг методологик асослари Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг маълумотномалари ва бошқа тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади.

Тадқиқотда тизимли таҳлил, қиёсий таҳлил, макроиқтисодий таҳлил, гуруҳлаш, эксперимент, декомпозиция, адаптив усуллар, инновацион ва интеграцион ёндашувлар, замонавий ва юқори адекватликка эга эконометрлик моделлар ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Қишлоқ жойларида меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлиги методологиясининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири ёшлар учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида янги иш ўринлари яратишга таъсир этувчи омиллар таҳлили ва уларнинг таъсир кўламини тадқиқ этиш ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ёшлар учун янги иш ўринлари ташкил этишга ташкилий, институционал, иқтисодий, демографик ва ижтимоий омиллар бевосита таъсир кўрсатади (1-расмга қаранг).


Иқтисодий фаол аҳоли таркибидаги ёшлар учун қишлоқ хўжалигида янги иш ўринларини ташкил этишда асосий **иқтисодий омиллар** етакчи ўринни эгаллайди. Улар орасида кафолатланган тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш, мамлакат миқёсида қишлоқ туманларида меҳнат бозорини тартибга солиш юзасидан: молия-кредит, таркибий иқтисодий ислохотлар, инвестицион, солиқ, ташқи иқтисодий сиёсатларни мувофиқлаштириш каби иқтисодий воситалар муҳим ўрин эгаллайди [2]. Шунингдек, ҳудудий миқёсда қишлоқ жойларда ёшлар учун иқтисодий жиҳатдан мос иш ўринларини шакллантириш, янги иш ўринларини ташкил этишга инвестициялар киритиш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳудудий бандлик жамғармасидан оқилона фойдаланиш каби омиллар ўринли таъсир кучига эга. Микроиқтисодий даражада: қишлоқ хўжалиги корхоналарида кадрларни бошқариш, танлаш

тизимлари ва фирма ичидаги кенг ихтисослик бўйича касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, кадрлар сифатини ошириш, иш ҳақи, солиқ имтиёзлари, инвестициялашнинг ички манбаидан фойдаланиш сингари омиллар ўта муҳим ҳисобланади.

Қишлоқ жойларида ёшлар учун қишлоқ хўжалигида янги иш ўринларини ташкил этишда асосий ташкилий омиллар ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф нисбатини аниқлаш асосида янги иш ўринлари ташкил этишнинг оптимал параметрларини белгилашга бевосита таъсир кўрсатади. Улар таркибидаги иш куни давомийлигини камайтириш; ёшлар учун бир кишига мўлжалланган иш ўринининг ўриндошлик билан ишлаш имкониятларини чеклаш; ҳудудда ёшлар бўйича ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатдан келиб чиқиб, бозор мувозанатига эришишнинг ҳудудий усулларини жорий этиш; қишлоқ хўжалиги корхоналарини рағбатлантириш тизими, тўлов ва тўловсиз таътилларни жорий этиш, муносиб меҳнат шароитларини яратиш каби омиллар муҳим таъсир кучига эга.

Шунингдек, қишлоқ ёшлари учун янги иш ўринлари ташкил этишга таъсир этувчи институционал омиллар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг асосийлари сифатида: ҳуқуқий норма ва қонунлар, меҳнат шартномалари, мамлакат миқёсида меҳнат бозори фаолияти бўйича координацияни амалга ошириш; меҳнат бозори инфратузилмасининг ташкилий-иқтисодий ва ташкилий-бошқарув тузилмаларини такомиллаштириш; ҳудудий бандлик ва «Yoshlar-kelajagimiz» жамғармаси; бандликка кўмаклашиш муниципал органлари фаолиятини ривожлантириш, нодавлат бандлик хизматлари ассоциацияларини шакллантириш кабиларни кўрсатиш мумкин.

Қишлоқ ёшлари учун янги иш ўринлари яратишга таъсир этувчи ижтимоий омиллар мазкур жараёнда юзага келадиган ижтимоий муносабатларни юқори босқичга чиқаради. Улар орасида ижтимоий меҳнат муносабатларининг янги шаклларини жорий этиш, ижтимоий кафолат, яшаш даражаси, унинг сифати ва меҳнат фаолияти даражасини кўтариш мақсадида ижтимоий таъминот, ҳудудий миқёсда қишлоқ ёшлари ўртасида ишсизликни камайтириш, ишсиз ёшларни касбга



1-расм. Қишлоқ жойларида ёшлар учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан боғлиқ янги иш ўринлари ташкил этишнинг асосий омиллари*.
 * Манба: муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

йўналтириш, касбий тайёргарлик, меҳнат фаолиятига кўниктириш, ишни таълим жараёни билан қўшиб олиб бориш имкониятларини яратиш, ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш жараёни ва ижодий меҳнатни ижтимоий жиҳатдан ривожлантириш учун шароит яратиш каби омиллар самарали таъсир кучига эга.

Янги иш ўринлари яратишга таъсир этувчи демографик омиллар қишлоқ ёшлари ишчи кучининг табиий ҳаракати ва иш билан бандлик таркибидаги табиий ўзгаришларни келтириб чиқаради. Қишлоқ жойларида аҳоли сони, жинси ва ёши, аҳоли сони динамикаси ва зичлиги, унинг табиий ўсиши, қишлоқ меҳнат ресурслари ва таркиби, аҳолининг ўртача ёши, аҳоли умумий сонидан ёшларнинг ҳиссаси, ёшлар ўртасидаги ички ва ташқи миграция каби омиллар қишлоқ жойларида ишсиз ёшлар учун янги иш ўринларини ташкил этишда сезиларли таъсир кўрсатади.

Шу жиҳатдан, Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳозирги босқичида қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш муаммоси алоҳида аҳамият касб этмоқда. Республика қишлоқ аҳолисининг ўртача ёши бугунги кунда 25,6 ёшни ташкил этмоқда. Республикада бўйича қишлоқ ёшларининг жами аҳоли таркибидаги улуши эса 2019 йилда 27 фоизни ташкил этади. 2019 йилда қишлоқ меҳнат ресурслари сони 9,4 млн кишига етди. Шундан 16 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар 2,6 млн ни ташкил этади. Иқтисодиёт тармоқларида банд бўлганлар сони қишлоқ жойларда 6,8 млн кишини ташкил қилди (ўтган йилга нисбатан 102 фоиз), шундан 2,4 млн нафари ёшлардир.

Таdqиқот натижаларига кўра, ишсизлик даражаси 2019 йилда иқтисодий фаол аҳолига нисбатан 9,0 фоизни ташкил этган. Бу эса 2018 йилга нисбатан 0,3 фоизга пасайганлигини кўрсатади. Ишга муҳтож бўлган қишлоқ ёшлари сони 360,0 мингни ташкил этди, 16-30 ёшли қишлоқ аҳолиси ўртасида ишсизлик даражаси 15 фоиздан иборат бўлди [3].

2020 йил – «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» Давлат дастури доирасида ҳукумат жорий йилда турли йўналишлардаги лойиҳаларнинг кафолатланган маблағлари ҳисобидан 500 мингта янги иш ўрни ташкил этишни таъминлаши

режалаштирилган [4]. Бу иш ўринларининг аксарияти қишлоқ ҳудудларида ташкил этилади ва уларнинг салмоқли қисмида ёшлар фаолият кўрсатади.

Қишлоқ иқтисодиётида ёшлар ишчи кучининг фаоллиги иқтисодий ўсишни таъминловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Бу, айниқса, саноат ва хизмат кўрсатиш тармоқларида иш ўринларини ташкил этиш чекланган, лекин қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида кўпроқ янги иш ўринларини ташкил этиш имкониятлари мавжуд бўлган қишлоқ жойларидаги ёшлар меҳнатида яққол кўринади.

Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида қишлоқ аҳолисининг, айниқса, ёшларнинг самарали иш билан бандлигини таъминлаш учун оптимал иқтисодий бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш асосида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳаларида янги иш ўринларини ташкил этишнинг самарали механизмларини татбиқ этиш муҳим ҳисобланади. Замонавий бошқарув тизими эса иқтисодий жараён ва ҳодисаларнинг келгусидаги ҳолати ҳамда кўламини аниқлашда ишончли усул ва воситалардан фойдаланишни тақозо этади.

Замонавий ва юқори адекватликка эга эконометрик моделлар ва уларга тегишли амалий дастурлар пакетларини қўллаш асосида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги соҳаларида қишлоқ ёшлари учун янги иш ўринларининг ташкил этилиши ва уларда иш билан банд бўлишнинг қисқа муддатли прогнози аниқланди.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳаларида ёшлар учун истиқболда янги иш ўринларининг ташкил этилиши 2019 йил ҳисобот даврида жами 37701 тани ташкил этган ҳолда, бу кўрсаткич 2025 йилга келиб 146,5 фоиз ёки 17520 тага ошиши кутилмоқда. Ёшлар учун янги иш ўринлари ташкил этилиши прогнозининг мазкур кўрсаткичи республикамизда фаолият юритаётган қишлоқ хўжалиги кластерларида 2019 йил ҳисобот даврида жами 26390 тани ташкил қилган ҳолда, бу кўрсаткич 2025 йилга келиб 151,7 фоизга ёки 13646 тага ошиши прогноз этилмоқда. Қишлоқ хўжалигининг пахтачилик-тўқимачилик, ғаллачилик, мева-сабзавотчилик, агротуризм,

доривор ўсимликлар, чорвачилик, ипакчилик ва балиқчилик каби кластерларида ҳам янги иш ўринларининг ташкил этилиш миқдори 1,5 мартага ортиши мўлжалланмоқда [5].

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги кооперацияларида (135,0%) ҳамда қишлоқ хўжалигининг шахсий томорқа, деҳқон, фермер ва бошқа соҳаларида (138,4%) қишлоқ ёшлари учун истиқболда янги иш ўринлари ташкил этилиши суръатлари ўсади.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги бўйича 2019 йил ҳисобот даврида ишловчи қишлоқ ёшлари сони жами 41471 нафарни ташкил этган ҳолда, бу кўрсаткич 2025 йилга келиб 159,8 фоиз ёки 24794 нафарга ошиши, қишлоқ хўжалиги кластерлари бўйича эса жами 29029 нафарни ташкил этган ҳолда, мазкур кўрсаткич 2025 йилга келиб 165,5 фоиз ёки 19013 нафарга ошиши прогноз этилмоқда. Бунда қишлоқ хўжалигининг пахтачилик-тўқимачилик, ғаллачилик, чорвачилик, мева-сабзавотчилик, доривор ўсимликлар, ипакчилик, балиқчилик ва агротуризм каби кластерларида ишловчилар сони 1,7 мартага ортиши мўлжалланмоқда.

Ҳисоб-китобларга кўра, прогноз даврида (2020-2025 йилларда) қишлоқ хўжалиги кооперациялари ҳамда қишлоқ хўжалигининг шахсий томорқа, деҳқон ва бошқа хўжаликларида қишлоқ ёшлари учун истиқболда янги иш ўринлари ташкил этилиши кўрсаткичи мос ҳолда 673 та ёки 135,0 %га ва 3202 та ёки 134,1 % га ошиши, ишловчи қишлоқ ёшлари сони эса мос ҳолда 900 нафар ёки 142,6 % га, 4881 нафар ёки 147,3 % га ўсиши кутилмоқда.

Қишлоқ хўжалигининг мазкур соҳаларида яқин келажакда қишлоқ ёшлари учун янги иш ўринлари ташкил этилиши бўйича кўрсаткичларнинг ўсиши қуйидаги қатор омиллар таъсирида юзага келади, хусусан:

- пахтачилик ва ғаллачилик кластерларида маҳсулотларни сотишда эркин бозор механизмларининг жорий этилиши натижасида иқтисодий манфаатдорликнинг ошиши;

- боғдорчилик, узумчилик ҳамда мева-сабзавот ва полизчилик маҳсулотларининг яқин ва узоқ хориж мамлакатларига экспорт қилиниши бўйича давлат томонидан қўллаб-қувватланишининг йил сайин ортиб бораётганлиги;

- республикамизда гўшт ва сут маҳсу-

лотларига бўлган талабнинг етарлича қопланмаётганлигини бартараф этиш бўйича ҳукуматимиз томонидан қатор вилоятларда чорвачилик кластерларини ривожлантириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ва ҳ.к.

Буларнинг барчаси яқин келажакда қишлоқ ёшлари учун қишлоқ хўжалиги соҳаларида янги иш ўринларига бўлган эҳтиёж даражасини янада оширади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳаларининг ривожланишида кластерли ёндашувнинг аҳамияти катта бўлиб, у меҳнат сиғими юқори бўлган қишлоқ хўжалиги соҳаларини ривожлантириш, уларда янги иш ўринларини ташкил этиш, айниқса, қишлоқдаги ишсиз ёшларни иш билан таъминлашнинг кенг имкониятини очади. Шу жиҳатдан, қишлоқ хўжалиги тармоғи соҳаларида мазкур муаммоларни ҳал қилишнинг самарали усулларида бири сифатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва истеъмолчига етказиб беришга ихтисослашган кластерларда янги иш ўринларини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Бу эса, айниқса, қуйи бўғинларда қишлоқ хўжалигида янги иш ўринларини ташкил этишни кўпайтириш асосида иқтисодий ва ижтимоий ривожланишни таъминлайди.

Шунинг учун лойиҳанинг тадқиқот объекти ҳисобланган меҳнат ресурслари билан кўп таъминланган Самарқанд вилоятининг Пастдарғом ва Ургут туманлари, Қашқадарё вилоятининг Китоб ва Шаҳрисабз туманлари ҳамда меҳнат ресурслари билан кам таъминланган Қорақалпоғистон Республикасининг Бериуний ва Эликқалъа туманлари, Жиззах вилоятининг Зарбдор ва Пахтакор туманлари қишлоқ хўжалиги соҳаларида ёшлар учун янги иш ўринлари ташкил этилишининг яқин келажакдаги прогноз кўрсаткичлари аниқланди ва улар мазкур объектларда иқтисодий ўсишга бевосита таъсир кўрсатади.

Таҳлилларга кўра, меҳнат ресурслари билан кўп таъминланган Пастдарғом, Ургут, Китоб ва Шаҳрисабз туманларининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳалари бўйича янги иш ўринлари миқдори 2020-2025 йиллар учун прогноз даврида мос равишда 112,7 %, 108,3 %, 108,9 % ва 108,8 %га, ишловчилар сони эса мос ҳолда 112,6 %, 108,2 %, 108,5 %, ва 108,7 %га ўсиши кутилмоқда. Шун-

дан, танланган қишлоқ туманлари қишлоқ ёшлари учун янги иш ўринлари миқдори 2020-2025 йиллар прогнози даврида мос равишда 112,6 %, 108,4 %, 108,9 % ва 114,0 %, ишловчилар сони эса мос ҳолда 112,3 %, 108,3 %, 108,9 % ва 113,2 %га ўсиши прогноз этилмоқда.

Бунда қишлоқ ёшлари учун янги иш ўринлари ташкил этилишининг энг юқори кўрсаткичи Пастдарғом туманида (128,8 %), энг пастси эса Ургут туманида (118,1 %) кутилмоқда.

Шунингдек, танланган қишлоқ туманлари қишлоқ ёшлари учун қишлоқ хўжалиги кластерларида янги иш ўринлари ташкил этилиши яқин истиқболдаги 2025 йилда ҳисобот давридаги 2019 йилга нисбатан мос равишда 129,1 %, 120,7 %, 118,3 % ва 121,1 %, ишловчилар сони эса мос ҳолда 128,4 %, 117,1 %, 119,0 % ва 125,0%га ошиши прогноз этилмоқда.

Бунда қишлоқ ёшлари учун қишлоқ хўжалиги кластерларида янги иш ўринлари ташкил этилишининг энг юқори прогнози Пастдарғом туманида (129,1 %), энг паст кўрсаткич эса Китоб туманида (118,3 %) кутилмоқда.

Самарқанд ва Қашқадарё вилоятининг танланган қишлоқ туманлари қишлоқ ёшлари учун қишлоқ хўжалиги кооперациялари ҳамда қишлоқ хўжалигининг шахсий томорқа, деҳқон ва бошқа хўжаликларида янги иш ўринлари ташкил этилиши яқин истиқболдаги 2025 йилда ҳисобот давридаги 2019 йилга нисбатан 111,5-140,0 фоизлар оралиғи диапазонда, ишловчилар сони эса 114,9-141,0 фоизлар оралиғи диапазонда ошиши тахмин этилмоқда.

Таҳлилга кўра, меҳнат ресурслари билан кам таъминланган Беруний, Элликқалъа, Зарбдор ва Пахтакор туманларининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳалари учун истиқболда янги иш ўринлари миқдори 2020-2025 йиллар прогнози даврида мос равишда 131,4 % 117,8 % 119,0 % ва 128,3 %, ишловчилар сони эса мос ҳолда 120,3 %, 117,7 %, 119,0 % ва 127,9 % ўсиши кутилмоқда. Шундан, танланган қишлоқ туманлари қишлоқ ёшлари учун янги иш ўринлари миқдори 2020-2025 йиллар прогнози даврида мос равишда 120,0 %, 123,6 %, 129,7 % ва 133,3 %, ишлов-

чилар сони эса мос ҳолда 127,7 %, 117,8 %, 125,0 % ва 128,2 % га ўсиши кутилмоқда.

Бунда қишлоқ ёшлари учун янги иш ўринлари ташкил этилишининг энг юқори прогнози Пахтакор туманида (200,0 %), энг паст кўрсаткич эса Элликқалъа туманида (161,7 %) кутилмоқда.

Шунингдек, танланган туманларда ёшлар учун қишлоқ хўжалиги кластерларида янги иш ўринлари ташкил этилиши яқин истиқболдаги 2025 йилда ҳисобот давридаги 2019 йилга нисбатан мос равишда 170,6 %, 162,5 %, 163,9 % ва 200,0 %, ишловчилар сони эса мос ҳолда 177,3 %, 142,5 %, 163,4 % ва 182,4 %га ошиши кутилмоқда.

Бунда қишлоқ ёшлари учун қишлоқ хўжалиги кластерларида янги иш ўринлари ташкил этилишининг энг юқори кўрсаткичи Пахтакор туманида (200,0 %), энг пастси эса Элликқалъа туманида (118,3%) кутилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Жиззах вилоятининг танланган туманларида ёшлар учун қишлоқ хўжалиги кооперациялари ҳамда қишлоқ хўжалигининг шахсий томорқа, деҳқон ва бошқа хўжаликларида янги иш ўринлари ташкил этилиши яқин истиқболдаги 2025 йилда ҳисобот давридаги 2019 йилга нисбатан 160,0-206,3 фоизлар оралиғи диапазонда, ишловчилар сони эса 142,3-181,0 фоизлар оралиғи диапазонда ошиши прогноз этилмоқда¹.

Хулоса ва таклифлар

Умуман олганда, муаммонинг долзарблигидан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, қишлоқ хўжалигидаги ҳозирги янги иш ўринларини яратиш даражаси қониқарли эмас.

Фикримизча, қишлоқ хўжалигида, ёшлар учун янги иш ўринларини ташкил этишда таклиф этилган прогноз кўрсаткичларига эришиш учун қуйидаги самарали механизмларни амалиётга татбиқ этиш лозим:

– қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг кластерларида ёшлар учун янги иш ўринлари ташкил этишни кўпайтириш учун кафолатланган маҳаллий ва хорижий инвестицияларни йўналтириш ҳамда имтиёзли кредитлар ва агролизинг хизматларини тақдим этиш;

¹ Муаллифлар ҳисоб-китоблари асосида тайёрланган.

– аниқ манзилли ва кафолатланган инвестиция маблағларидан самарали фойдаланган ҳолда юқори туристик салоҳиятларга эга қишлоқ ҳудудларида агротуризм кластерларини ташкил этиш, улар таркибида маҳаллий ёшлар учун янги иш ўринлари сонини кўпайтириш;

– ихтисослашган кооперацияларни қишлоқ хўжалигига яроқли ер майдонларида ёшлар учун моддий-маънавий рағбатлантирувчи янги иш ўринларини ташкил этиш асосида ривожлантириш ва уларни ўзини-ўзи молиялаштириш даражасига эришишига қадар (уч йилгача) ташкилий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш;

– қишлоқ жойларида ёшлар учун қишлоқ хўжалигининг шахсий томорқа, деҳқон, фермер ва бошқа соҳаларидаги янги ташкил этиладиган иш ўринларига молиявий, моддий, агротехнологик, агрокимёвий, агросервис ва

экспорт хизматлари кўрсатишларнинг сифати ва миқдорини ошириш;

– кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик фаолиятлари бўйича ёшлар учун янги иш жойлари ташкил этишни давлат томонидан ташкилий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, хусусан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотишни ташкил этишга кўмаклашувчи инфратузилмани самарали ривожлантириш;

– қишлоқ хўжалигининг ёшлар учун нисбатан янги ва мавжуд иш ўринларида меҳнат қилиш, овқатланиш ва дам олиш шароитларини яхшилаш ҳамда меҳнат, техника ва тиббий экология хавфсизликларини таъминлаш асосида ёш йигит-қизларнинг меҳнатга мослашувчанлиги ва доимий ишларга жойлашишини ошириш.

Манба ва адабиётлар

1. World Employment and Social Outlook Trends 2017 (WESO). – P. 6. Электрон манба// www.ilo.org.
2. Холмўминов Ш.Р., Хомитов К.З., Арабов Н.У., Бобоназарова Ж.Х., Абдурахмонов Х.Х. Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг самарали ижтимоий-иқтисодий механизмлари. Монография. – Т.: Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи, 2019. – 122-б.
3. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси/ Халқ сўзи. – 2020, 25 январь. – № 19.

Тақризчи: Арабов Н.У., иқтисодиёт фанлари доктори, «Иқтисодиёт ва тадбиркорлик» кафедраси профессори, Самарқанд давлат университети.